

**«АВИАСОЗЛАР ДЕХКОН БОЗОРИ» АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ
БАЁНИ**

2020 йил 26 март

соат 11 -⁰⁰

Овоз берувчи акциялар сони: 902040

Акциядорларнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Яшнабод тумани Бешариқ кучаси 1 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2020 йил 26 март куни ўтказилди. Йиғилишда 798842 овозга эга 10 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 88.5 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Д.И.Ганиев – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи уринбосари

Т.К.Камолов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, бош мутахассис

Ш.Т.Қуванов – «Авиасозлар дехкон бозори» АЖ директори в.б

Реестр бўйича акциядорлар сони 584 та. 902040 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жамми акциядор 10 та акциядор, 798842 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 88,5 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи уринбосари Д.И.Ганиев юборилган.

Йиғилишда раисликни Д.И.Ганиев олиб борди.

Д.И.Ганиев йиғилиш ўтказиш учун кворум 88,5 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Н.А.Норхўжаев номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Д.И.Ганиев йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги хақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган У.М.Таджибоев, Б.З.Мирзарахимов, Д.Б.Хамидоваларини овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият директори ва Кузатув кенгаши раисининг жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2019 йил давомида қўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текишуви ҳулосасини кўриб чиқиш;

3. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ваколатига киритилган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосасини кўриб чиқиш;

4. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

5. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш;

6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш;

7. Жамият директорини сайлаш ҳақида;
8. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;
9. Жамият Тафтиш комиссиясини сайлаш;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
11. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.
12. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;
13. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг "Умумий йиғилиши ҳақида"ги Низомга ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг "Кузатув кенгаши ҳақида"ги Низомга ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.
16. Жамиятнинг ҳудудиида замонвий савдо дўконлари ва савдо расталарини қурилиши ҳақида.

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 20 минут, колган масалаларга 5-10 минут, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига куйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Д.И.Ганиев сўзни жамият директори Ш.Т.Қувановга берди.

Ш.Т.Қуванов сўзга чиқиб, «Авиасозлар дехкон бозори» АЖ нинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум килди:

«Авиасозлар дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2019 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2019 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг барча бандларини бажарди.

Шундан;

Даромадлар	режа	амалда	фарки
Жой хаки	2 104 186,1	2 304 894,5	200 708,4
Хизмат хаки	917 782,0	959 191,9	41 409,9
Автотухташ даромади	350 470,5	358 172,0	7 701,5
СХК товарайланиши	0	0	0
СХК даромади	0	0	0
Ижара хаки	2 022 639,9	2 062 260,4	39 620,5
Инфратузилма	829 526,1	833 142,9	3 616,8
Бошқа даромадлар	14 095,8	10 228,0	-3 867,8
Жами даромадлар	5 888 229,9	6 169 717,7	281 487,8

Жамиятнинг 2019 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 172 205,4 минг сўм, амалда 54 591,6 минг сўм.

ДСИ 50%ли солиқ ажратмаси – 3 084 858,8 минг сўм ажратилган

2019 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори.

Жумладан

		режа	амалда	фарки
1.	Иш ҳақи	1 247 500,0	1 291 909,0	44 409,0
2.	25% тўловлар	311 875,0	322 019,6	10 144,6
3.	Сув ва канализация	197 500,0	213 836,1	16 336,1
4.	Электр қуввати	243 500,0	292 802,3	49 302,3
5.	Дезинфекция харажатлари	12 667,0	12 667,0	0
6.	Газ	0	0	0
7.	Махсустрас	219 302,1	204 568,4	-14 733,7
8.	Транспорт харажатлари	0	0	0
9.	Иссиқлик энергияси	0	0	0
10.	Телефон, телеграф	7 450,0	5 886,6	-1 563,4
11.	Муниципал милиция бўлими	74 703,9	82 492,0	7 761,1
12.	Жорий таъмирлаш	0	0	0
13.	Кечиктирилган харажатлар	0	0	0
14.	Ас.восита эскириши	266 484,6	420 225,6	153 741,0
15.	Банк фоизи хизмати	17 000,0	20 233,1	3 233,1
16.	Бошқа харажатлар	173 900,0	163 627,6	-10 272,4
	Жами харажатлар	2 771 909,6	3 030 267,2	258 357,6

- Сабаб;
- Иш ҳақи 44 409,0 (иш ҳақини кўтарилиши, меҳнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши ҳисобига)
- 25% тўловлар -10 144,6 (иш ҳақи ошиши ҳисобига)
- Сув ва канализация 16 336,1 (йил давомида тўлов ставка ошиши ҳисобига)
- Электр қуввати 49 302,3 (йил давомида тўлов ставка ошиши ҳисобига)
- Ас.восита эскириши 153 741,0 (бино иншоотларни коэффicientsи ҳисобига)

Жамиятнинг 2020 йил 1 январ ҳолатига дебиторлик қарздорлик 250 099,5 минг сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг 2020 йил 1 январ ҳолатига кредиторлик қарздорлик 6 298 706,7 минг сўмни ташкил этади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2019 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 75.39 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, ўрта даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан кузатув кенгаши раиси Д.И.Ганиев сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2019 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг ҳисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган ҳисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметасида белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2019 йил 4 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида маъқулланди, тасдиқлаш учун 2020 йил 26 мартдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан

барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашига бериб борилди. 2019 йил мобайнида "Авиасозлар деҳқон бозори" АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаш мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларига таништириб ўтди.

Шунингдек биринчи масала давомида жамиятнинг барча филиал раҳбарлари сўзга чиқиб мажлис қатнашчиларига бир йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда белгиланган режалар бажарилиши юзасидан ахборот бериб ўтдилар ва жамият томонидан берилган барча топшириқларни бажарганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош ҳисобчиси Г.Т.Ибрагимова ҳисобот берди.

Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан "XB FINANCE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти томонидан 2019 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий ҳулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича сўзни жамият тафтиш комиссияси аъзоси маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият қимматли қўғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев тафтиш комиссияси ҳулосасини ўқиб эшитирди.

Жамият қимматли қўғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб, тафтиш комиссия аъзоларининг фикрича ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлиги натижасида «Авиасозлар деҳқон бозори» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққонийлигини акс эттиришини тўғрисида тафтиш комиссияси ҳулоса берганлигини тўғрисидаги ҳулосани ўқиб эшитирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимовага берди.

Жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятни 2019 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

«Авиасозлар деҳқон бозори» АЖнинг 2020 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси

Бухгалтерлик баланси: форма № 1
(сумма)

(минг

№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1	Асосий воситалар бошланғич қиймати	9 529 588.1	Устав капитали	1 080 000,0
2	Эскириш	1 602 200.9	Захира капитали	2 122 917.3
3	Асосий воситалар қолдиғи	7 927 387.2	Тақсимланмаган фойда, зарар	-589 843.7
4	Узоқ муддатли инвестиция	11 807.5	Бюджет бўйича қарзлар	1 525 414.2
5	Қимматли қўғозлар	4 307,5	Мехнатга ҳақ тўлаш қарзи	102 181.4
6	Ишлаб чиқариш захиралари	51 252.2	Бюджетдан ташқари қарзлар	546 589.2
7	Келгуси давр харажатлари	0	Солиқ ва бошқа маж. тўловлар бўйича кечик. мажбуриятлар	1 950 474,9
8	Товар-моддий захиралар	51 252.2	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	1 604 560.8

9	Пул маблағлари	72 338.2	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга	75 305.1
10	Дебиторлар жами	250 099.5		
11	Бошқа жорий активлар	0,0		
	Актив бўйича жами	8 417 599,2	Пассив бўйича жами	8 417 599,2

Молиявий натижалар: форма № 2

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум	4 765 288.3	х	6 159 489.7	х
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тан нархи	х	0,0	х	-
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	4 765 288.3	-	6 159 489.7	0
Давр харажатлари жами	х	2 021 919,6	х	3 030 267.4
Асосий фаолиятнинг бошқа даро.	18 795.0	х	10 228,0	0
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	2 762 163.7	0	3 139 450.3	0.0
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	0	х	0.0	х
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	2 762 163.7	0	3 139 450.3	0
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	2 762 163.7	0	3 139 450.3	0
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	х	2 468 587.0	х	3 084 858.8
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	293 576.7	-	54 591.5	-

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятни 2019 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш ҳақида қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг 2019 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 172 205.4 минг сўм белгиланган бўлиб, амалда 54 591.6 минг сўмни ташкил этган.

Жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова 2019 йилда олинган 54 591.6 минг сўм фойдани аввалги йилларда қўрилган зарарни қоплашга йўналтиришга таклиф этди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича сўзни жамият директори Ш.Т.Куванов ва жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова берди. Ш.Т.Куванов сўзга чиқиб, жамиятни 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», ҳамда Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб жамиятнинг 2020 йил «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, 2019 йил 9 апрелдаги жамият Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ жамият масъул ишчи-ҳодимларидан тузилган танлов ҳайъати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик Жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4720-сонли Фармони ижроси юзасидан жамият ижро этувчи орган раҳбари (директор) лавозимида муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилди.

Ижро этувчи орган рахбари (директор) лавозимига нисбатан қўйилган малака талаблари кўрсатилган холда рўзномага, жамият веб сайтига, корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)га ва махсус ташкил этилган сайтга (www.soejobs.gkk.uz) эълон берилди. Танлов 2020 йил 03 февралдан – 2020 йил 26 феврал кунига қадар давом этгани тўғрисида маълумот берди.

Танлов давомида жамият Қуванов Шавкат Турдиевич ижро этувчи орган рахбари лавозимига ўз номзодлиги бўйича таклифини берди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият акциядорлари сони беш юздан кўп бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 7 кишидан иборат бўлишлигини, жамият Кузатув кенгаши аъзоллигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан сўзни мажлис раиси сўзга чиқиб, жамиятни 2020 йил учун Тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар Бойсинов Жасур Хасанович, Ибрагимова Гулчехра Махкамовна, Турсунов Хамидулла Хаётиллаевичлар номзодлари қўйилганлигини билдириб, тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, ҳулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда -321 “паст” баҳо берилганлиги, фоиз шкала -27% ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. «XB FINANCE KONSULTING» - 6 000 000 сўм,
2. «OSIYO AUDIT» МЧЖ - 5 000 000 сўм

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан таништириб ўтди ва тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 январдаги ЎРҚ-603 -сонли Қонунига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни”нинг 84 ва 88-моддаларига ўзгартиришлар киритилганини, яъни жамиятда афилланган шахслар билан битим тузилса ёки йирик битим тузилса мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу битимларнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилиниши кўрсатилганлиги такидлаб, жамият Уставини янги тахрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги тахрирдаги Устав лойихаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 январдаги ЎРҚ-603 -сонли Қонунига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни”нинг 84 ва 88-моддаларига ўзгартиришлар киритилганини, яъни жамиятда афилланган шахслар билан битим тузилса ёки йирик битим тузилса мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу битимларнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилиниши кўрсатилганлиги такидлаб, жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 январдаги ЎРҚ-603 -сонли Қонунига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни”нинг 84 ва 88-моддаларига ўзгартиришлар киритилганини, яъни жамиятда афилланган шахслар билан битим тузилса ёки йирик битим тузилса мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу битимларнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилиниши кўрсатилганлиги такидлаб, жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн олтинчи** масала юзасидан жамият директори Ш.Т.Куванов сўзга чиқиб, жамият ҳудудида замонавий савдо дўконлари ва савдо расталарини қуриш, бозор ҳудудида савдо ўринларини кўпайтириш ҳисобига жамият даромадларини ошириш, янги ишчи ўринларини яратиш ҳамда бозор ҳудудида ноқонуний савдо фаолиятини юритаётган тадбиркорларни бартараф этиш мақсадида замонавий типдаги савдо дўконлари ва савдо расталарини қуриш бўйича ахборот маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани санок комиссия раиси У.М.Таджибоев ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёклайман»		«Қаршиман»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Ҳақиқий эмаслар	
1	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
2	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
4	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0

5	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Масала	798842	100 %			0	0	0	0	0	0
8	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.1	М.А.Ирматов	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
8.2	Л.ТАкбарходжаев	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
8.3	И.Ш.Махмудов	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
8.4	М.Р.Каримов	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
8.5	Д.И.Ганиев	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
8.6	Ф.Ф.Туляганов	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
8.7	Т.С.Иброхимов	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
9	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
9.1	Ж.Х.Бойсинов	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
9.2	Г.М.Ибрагимова	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
9.3	Х.Х.Турсунов	798842		0	0	0	0	0	0	0	0
10	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
11	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
12	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
13	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
14	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
15	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
16	Масала	798842	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0

Қарор қабул қилади.

1. «Авиасозлар дехқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
2. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «ХВ FINANCE CONSULTING» МЧЖнинг 2020 йил 3 мартдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси инobatга олинсин (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2019 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик хисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
5. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин.
- 5.1. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 54 591.6 минг.сўм. миқдорида олинган соф фойда аввалги йилларда олинган зарарни қоплаш учун йўналтирилсин. (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият директори (Ш.Т.Қуванов)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш, соф фойда режасини 768 337,0 минг сўмдан ортиқ қилиб бажариш шарти билан (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ). Бугунги кунда мамлакатимизда давом этаётган коронавирус эпидимиясининг бозор тушумларига таъсирига қараб, смета курсаткичлари узғариши инobatга олинсин.

7. Жамият директори этиб Куванов Шавкат Турдиевич сайлансин, акциядорларнинг 2020 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар меҳнат шартномаси тузилсин (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8.1 Ирматов Мурод Абдукаҳарович	798842- та овоз
8.2 Акбарходжаев Лазизхон Турапович	798842- та овоз
8.3 Махмудов Иброҳим Шарифжон ўғли	798842- та овоз
8.4 Каримов Малик Раҳимович	798842- та овоз
8.5 Туляганов Фарход Файзуллаевич	798842- та овоз
8.6 Ганиев Дилмурод Ирқинович	798842- та овоз
8.7 Ибраҳимов Тўлқин Сабитович	798842- та овоз
9. Жамият Тафтиш комиссияси таркиби тасдиқлансин.

9.1 Бойсинов Жасур Хасанович	798842- та овоз
9.2 Ибраҳимова Гулчехра Маҳкамовна	798842- та овоз
9.3 Турсунова Хамидулла Хаётиллаевич	798842- та овоз
10. Жамият “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -321 “паст” баҳо, фоиз шкала -27 % баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
11. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “OSIYO AUDIT” аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 5.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин. (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
14. Жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
15. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 798842 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
16. Жамият ҳудудида замонавий савдо дўконлари ва савдо расталарини қуриш, бозор ҳудудида савдо ўринларини кўпайтириш ҳисобига жамият даромадларини ошириш, янги ишчи ўринларини яратиш ҳамда бозор ҳудудида ноқонуний савдо фаолиятини юритаётган тадбиркорларни бартараф этиш мақсадида замонавий типдаги савдо дўконлари ва савдо расталарини қуриш маълумоти инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 798782 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

Баённома имзоланган сана: «5 апрел» март 2020 йил.

Мажлис раиси

Д.И.Ганиев

Мажлис котиби

Н.А.Норхўжаев



Handwritten signature in blue ink.

Handwritten signature in blue ink.